

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 23 май, № 102 (4512)

Жума

Арафа

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАРИ

Эртага мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида
сўнгги кўнғироқ садоси жаранглайди.

Бу эса битирувчи ёшларимизнинг ўзи қизиққан соҳа бўйича таълимни давом эттириш, касб-хунар эгаллаш, эл-юртга наф келтириш орзусида мустақил ҳаётга чоғланиши, демасқидир. Айниқса, Президентимиз раҳнамолигида кўплаб соҳалар қатори таълим-тарбия масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги мақсадли дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши, ёш авлоднинг замонавий шарт-шароитда пухта билим эгаллашини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийдиган мухташам ўқув масканлари меҳр ва ғамхўрликдан баҳраманд йигит-қизларимизни ана шу эзгу савий-харакатларга жавобан юксак марралар сари интилишга ундаётди. **Зеро, Юртбошимизнинг: "Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники!"** деган қанотбахш сўзларидан руҳланган бу ёшлар Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқ орзуси билан яшамокда.



Кўз олдимизга келтирайлик, бундан ўн беш-йигирма йил илгари мактабда ҳозиргидек шариоит яратилишини биров тасаввур этиб кўрганми? Уша пайтлардаги мактаблар билан бугунги ўқув даргоҳлари солиштирилса, улар орасида ер билан осмонча тафовут юзага келади. Тор парталар, кўпол доскаларга ўрнатилган ўқувчиларга, компьютер у ёқда турсин, мундайроқ электрон ҳисоблаш машинаси ҳақида гапириш ҳам ноўрин туюларди. Негаки, бундай ўқув жиҳозлари ҳақида фақат орзу қилиш, ҳаёл суриш мумкин эди, ҳолос. Аксарияти пасткам, афтоҳол биналарда жойлашган мактаблар, стадион дейишга тил бормайдиган ўтлоқ майдончалар, жисмоний тарбия дари ҳақида гап кетса, фақат қоптоқ тепиш туюқидиланган замонлар, минг шукри,

ўтмишга айланди. Сизу бизга озоод элнинг обод гўшаларида қад кўтарётган мухташам мактаб биналарини кўриб дилдан қувонини, илмга ташна фарзандларнинг ушбу кўркам таълим даргоҳларида билим олиш бахтига мушаррафлигидан мамнуният ҳиссини туйиш насиб этди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятига назар ташласак, Ватанимиз ободлиги, халқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш борасида нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганига амин бўламиз.

Айниқса, мамлакатимиз тиббий хизмат кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланишлар аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишдек улғувор мақсадларга йўналишлар билан аҳамият қилинмоқда. Утган давр мобайнида юртимизда бундай эзгу ва устувор ва-зифаларни амалга ошириш йўлида мустақам ҳуқуқий асослар яратилди.

Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун ҳам тиббиётга оид муҳим ҳуқуқий мажмуа ҳисобланади. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат юртимизда фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш йўлида ўзига хос мезон бўлди. Бироқ ҳозирги глобаллашув жараёнида дори воситаларига нисбатан талаб ва эҳтиёж тубдан ўзгариб бораётганлиги боис, мазкур қонунга қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритишнинг зарурлиги таъкидланади.

Албатта, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун жиддий чоралар кўрилувчи бўлади. Бироқ, шунга қарамай, соҳада ҳамон камчилик ва нуқсонлар учраб турибди. Ҳозирда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соҳада дахлдор ташкилотларнинг мутахассислари ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, амалдаги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда.

Анжуманда ана шу ишларнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, жаҳон амалиётининг ижобий жиҳатларини ўрганиш зарурлиги ҳуқуқий таъминнинг тавсиялар берилди.

Фурқат САНАЕВ.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (ЕИ) ЎРТАСИДА ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Болгария ва Руминия республикаларининг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириши муносабати билан жорий йилнинг 20 майда Брюссель шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим учун протокол имзоланди.

мизнинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

И. Сенчар ҳужжатни имзолаш маросими олдидан сўзлаган нутқида Европа Иттифоқи Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё

Ҳамкорлик

мамлакатлари билан ҳамкорлик мақсадига муҳим эътибор қаратаётганини таъкидлади. Шунингдек, Словениянинг ЕИ Кенгашига раислиги даврида ушбу ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар сезиларли даражада ривожланганини қайд этди.

Ўз навбатида, ЕҲҚнинг Ташқи

алоқалар бўйича бош директорати раҳбари Э. Ландабуру ЕИ Ўзбекистон билан барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга қатъи қизиқиш билдираётганини маълум қилди. У 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «Ҳаёса корпус» институтининг жорий этилиши борасидаги қарорларга ижобий баҳо берар экан, Европа Ҳамжамияти Ўзбекистон Республикаси билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни янада фаоллаштиришга ҳамда уни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этди.

«Жаҳон» АА.
Брюссель шаҳри

Европа томонидан ЕИ сафини кенгайтиришга оид протоколни Словениянинг ушбу ташкилот ҳузуридаги доимий вакили ва элчиси И. Сенчар (ЕИ аъзо давлатлари номидан), Европа Ҳамжамияти Комиссияси (ЕҲҚ) Ташқи алоқалар бўйича бош директорати раҳбари Э. Ландабуру (Европа Ҳамжамияти номидан), Ўзбекистон томонидан эса юртимизнинг

Европа Ҳамжамиятлари ҳузуридаги элчиси И. Мустафоев имзолади. Протокол Иттифоқнинг янги аъзо давлатлари — Болгария ва Руминия ҳисобига 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим қридаларининг амал қилиниш доирасини кенгайтиради. Шунингдек, ҳужжат ЕИ доирасида юрти-

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Ёшлар ва миллий-диний кадрлар
Тошкент ислом университетиди «Ёшлар ва миллий-диний кадрларга муносабат маданияти» мавзусида анъанавий илмий-амалий форум бўлиб ўтди.

Ёшлар йилига бағишланган ушбу тадбир Тошкент ислом университети, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» иқтисодий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкентдаги қатор олий ўқув юртлири талабалари иштирок этган анжуманда Тошкент ислом университети ректори Р. Абдуллаев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари А. Абдушукуров ва бошқалар мамлакатимизда келажагимиз эгалари бўлиши навқирон авлоднинг қомил инсонлар бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ёшларни миллий-диний кадрларга ахтиром, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бу йўналишдаги ишларнинг узвий қисми. Юртимизда халқимиз, айниқса, ёшларимиз-

Шўба корхона иш бошлади
Олтинқўл туманининг Жалабек қишлоғидаги «Фекинтекс Анджион» хорижий шўба корхонаси ана шулар жумласидан. Маалайзиянинг «Фекинтекс» компанияси билан ҳамкорликда очилган ушбу корхона ишга тушиши билан эллика яқин йигит-қиз ишли бўлди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун аввал уларнинг қалби ва онгида мафқуравий имунитетни қўчайтиришимиз зарур. Токи, ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган

Самарали изланишлар
Жиззахда «Замонавий техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари» мавзусида анжуман ўтказилди.

Мамлакатимиздаги 16 та техника олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари катнашган ушбу тадбирда химия, озиқ-овқат, автомобиль, қурилиш, йўл қурилиш санатидида техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, илмий-тадқиқотларни амалга ошириш ҳуқуқидан маърузалар тингланди.

Санкт-Петербургдаги Россия Давлат йўл алоқалари университети профессорлари В. Болотин ва Ю. Бороненко Ўзбекистон йўл соҳасидаги мураккаб йўлларда кўприк ҳамда темир йўл кўприкларини қурилишлари бўйича самарали изланишлар олиб борганлигини алоҳида таъкидладилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъдодлар кўриги
Икки ҳафта давом этган ушбу тадбир йигит-қизларга «Келажақ овози» республика танлов ҳуқуқидида тўлиқ маълумот бериш ҳамда уларнинг ўз иқтидорини намойён этишига қўмақлашиш мақсадида ташкил этилган эди. Қўмитанинг ушбу тадбирини қўллаб-қувватлаган ёшларнинг истеъдодлини юзага чиқариш, Марказ вакиллари ўтказган интерфаол уйинларда вилоят ёшлари кенг дунёқараш соҳиби эканликларини исботлашди. Қўмитанинг мақсадидаги тадбирлар билан тақдирланди.

Ёшлар акциясида, айниқса, Ҳазорасп, Богот, Янгиариқ, Қўшқўлир ва Хива туманларининг иқтидорли йигит-қизлари фаол иштирок этди.

Пўлатбек БЕКМЕТОВ.

ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА
2008 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда лизинг операциялари ҳажми ўтган йилнинг шу даражасига нисбатан 3 баравар ошди.

Бу республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига шу усулда кўплаб қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш ва сермеҳнат юмушларни механизация зиммасига юклаш имконини берди.

Халқимизга хос меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган иборалар борки, бу феълиятлар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараш, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вуқудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий инфодасидир.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ХИТОЙГА
ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ

Биргина меҳр-оқибат тушунчасининг ўзиёқ инсоннинг инсон билан, оиланинг оила билан, қўшнинг қўшни билан аҳил-иноқ бўлиб, тинч-тотув яшаши, бир-бирига сидқидилдан, беғараз ёрдам бериши каби юксак маънавий қадриятларни англатади. «Қўшнинг тинч — сен тинч», «Дўст кулфатда синалар» каби нақллар аслида ҳам ана шу инсоний ҳуқуқиятлар халқимизнинг маънавий оламига чуқур сингиб кетганидан далолатдир.

Давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳам айнан шу каби маънавий асосларга — ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ишонч ва меҳр-оқибатга таянганда янада самарали ҳамда истиқболлидир. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган алоқалар бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ишонч ва ҳурмат-эҳтибор муҳим аҳамият касб этди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Хитой билан муносабатларининг бугунги ҳолатини, алоқаларнинг ҳозирги суръатини юксак қадрлайди. 2005 йили мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланган.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида


Кучли портлаш оқибати

Кеча Нигерия шимолида катта йўл ҳаракати ҳодисаси рўй берди.

“Франс-пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, ҳарбийлардан олиб кетаётган машиналардан бири ёниги ташийдиган улов билан тўқнашиб кетган. Кучли портлаш оқибатида 43 нафар ҳарбийнинг ҳалок бўлганлиги айтилмоқда. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ҳарбийлар Судандаги тинчликпарвар юришлардан сўнг ўз уйига қайтаётганди.

Ҳайдовчилар иш ташлашди

Францияда транспорт ҳайдовчилари иш ташлашди.



Норозилик намойишларида бир неча юз минг киши қатнашяпти. Хабарларда келтирилишича, намойишчилар пенсия тизимига қиритилган ислохотларга қарши бош кўтаришган. Ҳайдовчилар мамлакат ҳукуматидан йиллик иш стажига кўра, нафақани тўлиқ ҳажмида олишни талаб қилишмоқда.

Уриб туширилишига сал қолди

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр шахсий самолётида уриб туширилишига сал қолди. Хабарларда айтилишича, собиқ бош вазир Миср-Исроил давлатлари чегараси устидан учиб ўтаётганда. Самолёт техник носозликка учраб, бошқарув маркази билан алоқа узилди. Ҳарбийларнинг сўнгги оғохлантиришидан кейингина самолётда Тони Блэр борлиги маълум қилинди.

БМТ Бош котиби Мьянмада

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун Мьянмага ташриф бурди.



Икки кунлик ташриф давомида Бош котиб табиий офатдан зарарланган худудларни кўради ва мамлакат ҳарбийлари билан учрашди. Шунинг билан 1964 йилдан буён Мьянмада БМТ бош котиблари келмаганди. Пан Ги Мун сафари давомида ушбу мамлакатта инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш

янада кўчайтирилишини таъкидлаган. Эслатиб ўтамиз, “Наргис” тўғони 78 минг кишини ҳаётдан олиб кетган бўлса, 56 минг одам бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда.

Қурбонлар сони 51 минг кишига етди

Хитойда рўй берган кучли ер силқинишидан мамлакат катта талафот кўрганидан хабарингиз бор.



Шу муносабат билан, кунни кеча ҳукумат Сичуан музофотидаги тозалаш ишларига 13 миллиард доллар миқдорига маблағ ажратди. Бу ҳақда Хитой бош вазири Вен Цзябао маълум қилди. Маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида қурбонлар сони 51 минг кишига етди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кутубхона — нурхона

— Кутубхона дурдоналар хазинаси. Ушбу масканга маънавий эҳтиёжини қондириш учун ошиқадиган кишиларни қадрайман, — дейди Наманган вилояти ахборот-ресурс маркази директори Моҳиба Сиддиқова. — Илгари келувчиларнинг аксарияти болалар ва ўсмирлардан иборат эди.



ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Юртбошимизнинг «Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида ахборот-ресурс маркази иш бошлагандан сўнг улар сафига катта ёшдагилар ҳам қўшилди. Аҳолини тизимли ахборот билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган хайрли тадбир натижасида тармоққа компьютер технологияси, интернетга уланган электрон воситалар кириб келди. Улар кўмагида жалланган библиографик ресурслардан ўқувчи исталган маълумотни лаҳзада топиши ва бемалол фойдаланиши мумкин. Ававалига бу масалада марказ мутахассисларининг бевосита ёрдами талаб этилган бўлса, «Компьютер сабоқлари» тўғрисида ишга туширилгандан

сўнг китобхоналарнинг ўзлари ҳам «ақли машина»лардан бемалол фойдаланишмоқда. Гулмира Йўлдошева раҳбарлигидаги бу тўғрарида 80 нафардан ортиқ ёшлар электрон адабиётлар ҳамда Интернет тизимидан фойдаланиш сирларини ўрганишяпти.

Маълумки, таълим жараёнида интерфал технологиялардан фойдаланиш кўзланган мақсадга эришишнинг энг мақбул йўлидир. Ўқувчи ва талабалар илгари фақат тайёр билимларни эгаллашга одатлангандилар. Замонавий технология ося уларни зарур билим ва кўникмаларни қидириб топиш, мустақил ўрганиш таҳлил қилиш, тегишли хулосалар чиқаришга ўргатади. Шундан келиб чиқиб, вилоятда-

ги 12 туманда ҳам АРМлар ташкил этилган.

Гарчи электрон воситалар орқали мутолаа таомилга айланаётган бўлса-да, кутубхона барибир китоб билан файзли. Марказдаги адабиётлар жамғармасини мутасил бойлиб бориш ҳамша эътиборда тутилётгани шундан. Упан ойда 300 минг сўмликка яқин адабиётдан иборат махсус кўргазма ташкил қилинди.

Ахборот-ресурс маркази фаолияти тобора тақомиллашиб борапти. Бундан бир мuddат аввал у Халқ таълими вазирилик хузуридаги «ZIO NET» тармоғига уланди ва ўзининг алоҳида ВЕБ саҳифасини очганидан сўнг ахборот-маълумот алмашиш имкониятлари янада кенгайди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАР ВА МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда). Инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун муллоқо беғона гоилар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказолмайди.

Анжуманда жаҳон маданияти билан интеграциялашу жараёнида миллий-диний маданият ва қадриятларнинг роли, тамаддуллараро мулоқот, ёшларда ижтимоий фаоллик фазилатларини тарбиялашда диний қадриятларнинг ўрни сингари мавзуларда маърузалар тингланди. Талабалар миллий ҳамда диний қадриятларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва

аҳамияти, ёшларимизнинг миллий қадриятларимиз, қонунларимизга зид бўлган турли жаҳолатпараст кучларга қарши маърифий йўл билан қурашиш масалаларига бағишланган викторина бахсларида ўз билимини синовдан ўтказди.

Тошкент давлат юридик институти талабалари биринчи, Тошкент ислом университети вакиллари иккинчи, Низомий номиди Тошкент давлат педагогика университети ёшлари учинчи ўринни эгаллади.

Олим ТўРАКУЛОВ, ЎзА мухбири.

ООО «Росагропромснаб» предлагае:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ-М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв. л-6, д. 2 (Ор-р — метро «М. Улугбек») Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

«РК ТРЕХГОРКА» ЁАЖ

- Юқори сифатли том қопламалари (рубероид) ни сотади.
- Юқори сифатли том қопламаларидан таъмирлаш ишларини бажаради ва янгидан қоплайди.
- Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Махсулот сертификатланган. NSS UZ. 01.143.0513752

245-10-32, 245-11-72, 245-11-82, 303-46-59

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти Бандихон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 ноябрдаги 19-0704-7122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бандихон машина трактор парк» АЖга қарашли, Бандихон тумани марказида сақланаётган куйидаги техника воситалари қўйилмоқда:
 1. «КЕЙС-2166» русумли, давлат рақами 83-41 СН бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган комбайн. Бошланғич баҳоси — 79 618 000 сўм.
 2. «Магнум-8940» русумли, давлат рақами 83-33 СН бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган трактор. Бошланғич баҳоси — 64 229 550 сўм.
- II. Шунингдек, аукцион савдосига Сурхондарё вилояти Жаркўрган тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 15 январдаги 19-0704-10604-сонли, 2007 йил 26 мартдаги 19-0603-4714-сонли ва 2008 йил 15 январдаги 19-0704-10604-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Жаркўрган УЧМС» МЧЖга қарашли, «Ўзбекистон» кўчаси, 3-уйда жойлашган, 1996-1997 йилларда қурилган, 2 қаватли, 28 та хона ва бир залдан иборат, умумий майдони — 3334,2 кв.м., фойдали майдони — 532,8 кв.м., қурилиш майдони — 532,8 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 153 021 131 сўм.

Ушбу техника воситалари ва кўчмас мулк бўйича «Заря Сурхана» газетасининг 2008 йил 20 майдаги 9-сониде хабар чоп этилган.

Юқоридеги техника воситалари ва кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг «Даврбанк» Термиз шаҳар мини бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452053, МФО 00981, ИНН 200933850.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: 227-25-49. www.rkmb.uz

САНТЕХНИКА Товар сертифицирован

(Унитазы: 100 000 сўм. — б/н, 80 000 сўм. — за налич.)

(Умывальники: 60 000 сўм. — б/н, 55 000 сўм. — за налич.)

ЛИНОЛЕУМ БОЛЕЕ 10 РАСЦВЕТОВ

Производство Россия (5 500 сўм. — б/н, 4 500 сўм. — за налич.)

ПЛИТКА ОБЛИЦОВОЧНАЯ

РАЗМЕРЫ: 33x33, 33x15, 33x10 см

ВСЯ ПРОДУКЦИЯ ИЗ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ МАТЕРИАЛОВ

Тел.: (+99898) 301-90-84 (круглосуточно), 302-16-90, 233-15-77, 233-14-42, 294-51-00, 280-55-40/41/42

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАҚАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа мuddатларда қўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлири);
- судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча худудиде қўриб чиқиш имконияти);
- Ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳузуридаги Ҳақамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй. Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Ульяновск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий дилери

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303

Юк ва йўловчи ташуш учун махсус УАЗ-39625

Юк ва йўловчи ташуш учун махсус УАЗ-39094

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажми УАЗ-3909, 4x4 МРV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобиласи УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, қафолат ва техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

2008 йил 25 июнь ЭЪЛОН! соат 10.00 да

| | |
|---|--|
| ВШ-703 «Навий — Зафаробод», икки томондан | ВШ-1058-Т «Хива — Тошкент», Тошкент томондан |
| ВШ-725 «Андижон — Қўқон», Андижон томондан | ВШ-1081 «Кўнғирот — Тошкент», Тошкент томондан |
| ВШ-762 «Навий — Тошкент», Навий томондан | ВШ-1110 «Самарқанд — Кўнғирот», икки томондан |
| ВШ-826 «Самарқанд — Нукус», икки томондан | ВШ-1114 «Ҳазорасп — Эллиқалъа», икки томондан |
| ВШ-849 «Оқтош — Тошкент», Тошкент томондан | ВШ-1116 «Тўрткўл — Питнак», икки томондан |
| ВШ-894 «Жўш — Тошкент», икки томондан | ВШ-788-ЙТ «Гулистон — Тошкент», икки томондан |
| ВШ-908 «Боёвут — Тошкент», икки томондан | ВШ-863-ЙТ «Ғагарин — Самарқанд», икки томондан |
| ВШ-920 «Самарқанд ш.х. — Қўшработ», икки томондан | |

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси худудиде белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобиде турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташушни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29-июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни хойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **Идоралараро комиссия**.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 2021000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2008 йил 19 июнгане буюртма беришлари лозим.


Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2008 йил 24 июнь соат 19.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали. Маълумот учун телефонлар 241-56-27, 241-18-10.



Хизмат

Мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлик даражасининг мустаҳкамланишига катта эътибор берилмоқда. Ялли ички маҳсулот ҳажмини ошириш, ташқи савдо балансини мустаҳкамлаш, инфляция суръатини пасайтириш, хусусан, миллий валютани қадрини кўтариш мақсадида амалга оширилаётган савб-ҳаракатлар туфайли макроиктисодий барқарорликка эришилиб, у аҳоли турмуш тарзининг янада яхшилланишига хизмат қилапти. Аҳолининг бандлик даражасини таъминлаш, даромадларини ошириш, умуман, миллий фаровонлик борасида, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти йил сайин ошиб бормоқда.



Тадбир

Ёшлар йили муносабати билан "Жиззах" марказий стадионда "Биз терроризм, гийҳвандлик ва ОИТга қаршимиз" шиори остида оммавий форум ўтказилди.

Жиззахда оммавий форум

Мухташам сажда вилоят болалар ижодиёти маркази аъзолари, ёш спортчилар, ҳарбийларнинг кўргазмили чиқиши, пойтахт ҳамда вилоят санъаткорларининг концерт дастури намойиш этилди. Форумда сўзга чиққан йигит-қизлар соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, жамият ҳаётини издан чиқарувчи иллатлардан сақланишга ҳар ҳижатдан тайёр эканликларини билдиришди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тараддуд

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилига санъат куллар қолди. Болажонларнинг таътилни мароқли ўтказишлари учун оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишлари авж олди.



Бу жараёнда "Эко-сан" халқроқ ташкилоти ҳам фаол иштирок этмоқда.

Гап шундаки, мазкур ташкилот ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги болалар оромгоҳларига кўрпак, кийим-кечак, дезинфекциялаш воситалари каби инсонпарварлик юкларни жойланган автопоездларга жўнатилади. 28 миллион сўмлик мол ортлган дастлабки поезд Қорақалпоғистонга юборилган эди. Навбатдаги автопоезд Самарқанд вилоятига йўл олди.

Уни қузатиш маросимида таъкидланишича, жўнатишган 40 миллион сўмлик моллар оромгоҳлардан ташқари, чекка қишлоқлардаги ўқув ва тиббиёт муассасалари, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларига ҳам тарқатилади.

Р. САЙДОВ.

«Асакабанк»: МОЛИЯВИЙ МАДАД — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Кредитлар фаровонликка хизмат қилмоқда

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолига молиявий мадад бериш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан биридир, — дейди акционерлик тижорат «Асакабанк»нинг Самарқанд вилояти филиали бошқарувчиси Сайфиддин Нурмуротов. — Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида республикадаги банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тақдим этилган кредитлар бир йилда 36 фоизга, тадбиркорлар ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70 фоизга ошганини алоҳида таъкидлади. Демак, банкларга юкланаётган масъулият ҳисси янада ортиб, вазифалар кўлами кенгайиб борапти.

Ўтган йили вилоятда аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш масалаларини ҳал этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Натижада қўллаб янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг аксарият қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначилик соҳаларига тўғри келди. Бунда, яъни ана шу субъектларнинг молиявий маблағларга бўлган талабини қондиришда банкнинг вилоят филиали ва унинг жойлардаги 3 та минибанкининг ҳиссаси катта бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг муддати ундан фойдаланиш мақсадида

молиялаштирилган ҳолда белгиланмоқда. Банк томонидан берилган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё харид қилишга, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг моддий-техника базасини шакллантиришга, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, шунингдек, турли хил минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Жумладан, 2007 йил мобайнида банк томонидан жами 11398,1 миллион сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик ҳамда аҳолининг молиявий талаби сезиларли даражада қондирилди. Бундан ташқари, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган 2831,5 миллион сўм маблағ эвазига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 268 та янги иш ўрни барпо этилди.

2008 йил 1 май ҳолатига кўра эса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредит маблағлари миқдори 378332,3 минг сўмни ташкил этди.

Тадбиркор аёлларга ёрдам

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида банк филиали кенг кўламли ишлар бажарилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бунда тадбиркор аёллар томонидан тақлим этилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги мақсадларини ошириш, иқтисодий тараққиётдаги ҳиссаларини кўпайтириш мақсадида банк маблағлари ҳисобидан турли хил шартларда 1201 миллион сўмлик тижорат кредитлари ва имтиёзли кредитлар берилди. Ана шу кредитларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва саноатнинг бошқа тармоқларига йўналтирилди. Пировадидида, қўллаб янги иш ўринлари ташкил этилгани, айниқса, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни ижтимоий фойдаланиш мақсадида жалб этиш даражасини оширди.

Банк фойдаси ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредит бериш мақсус жамғармаси ҳисобидан кредитлаш миқдори эса 399,2 миллион сўмни ташкил этди.

Пайриқ туманидаги «Ёқут-нур» фермер хўжалиги — банкнинг асосий мижозларидан бири. Бу хўжалиқнинг 54,3 гектар ери мавжуд. Ўтган йили мўлжалдаги 88,5 тонна ўрнига 93 тонна галла, 71,2 тонна ўрнига 90 тонна пахта етиш-




тирилди. Олинган соф фойда салкам 40 миллион сўмга етди. — Эришилган муваффақиятларимиз кўп ҳижатдан банк томонидан бизга берилган имтиёзли кредитларга боғлиқ, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ҳикматилло Аббосов. — Бултур Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма маблағи ҳисобидан 457,6 минг сўмлик имтиёзли кредит олгандик. Ундан ўринли фойдаланиб, қарзимиздан ўз вақтида қултидик. Табиийки, бу банкнинг бизга бўлган ишончини оширди.

2008 йил пахта ҳосилини етиштириш учун банк билан фермер ўртасида 17318,4 минг сўмлик имтиёзли кредит учун шартнома имзоланган. Бундан ташқари, галла ҳосили учун банк Жамғарма маблағи ҳисобидан 9296,6 минг сўм кредит ажратди.

Вилоятда Ҳикматилло Аббосов сингари «Асакабанк»нинг филиали билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган, банкнинг молиявий мадади туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантираётган фермерлар кўп. Улар билан суҳбатлашсангиз, барчаси банк кўмагидан мамнуллигини изҳор этади.

«Аксционерлик тижорат «Асакабанк»нинг Самарқанд вилояти филиали жамоаси Ёшлар йилида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, аҳоли ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шу асосда эзгу ишларни давом эттирмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Спорд Sport йўлланмалар кўпаймоқда

Қозғоғистоннинг Алматы шаҳрида сузиш бўйича Олимпиада йўлларига йўлланма берувчи халқаро турнир якунланди. Мухими, унда ўзбекистонлик сув спорти усталари ҳам совриндорлар сифидан жой олишди. Миллий Олимпия қўмитасидан олинган хабарда айтилишича, терма жамоамиз аъзоларидан Сергей Панков 200 метрга чалқанча, Темур Эргашев эса 400 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида йўлланмаларни қўлга киритишди. Шунингдек, кун кеча юнон-рум кураши бўйича терма жамоамиз Сербияда бўладиган Олимпиада йўлланмаларини берувчи халқаро мусобақада қатнашиш учун жўнаб кетди. Халқаро турнирда Равшан Рўзиқулов (66 килограмм), Жаҳонгир Мўминов (74 килограмм), Денис Здориков (84 килограмм) ва Геннадий Чхидзе (96 килограмм)лар ватанимиз шарофтини химоя қилишди. Эслатиб ўтамиз, бугунгача спортчиларимизнинг Хитой пойтахти Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада йўлларига иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалари сонин 50 тага етди.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР ДЕЯРЛИ МАЪЛУМ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичи мусобақалари якунланиб, чорак финалда иштирок этадиган жамоалар номи деярли маълум бўлди. Хабарингиз бор, қўтанинги нуфузли мусобақасида "Пахтакор" ва "Қурувчи" юртимиз шарафини химоя қилишди. Афсуски, "Пахтакор" гуруҳ босқичидан ўта олмади. "Қурувчи" эса чорак финалда беллашувларни давом эттирди. Демак, "Қурувчи" (Ўзбекистон), "Сайпа" (Эрон), "Ал Каррама" (Сурия), "Ал Қодисия" (Қувейт), "Қасима Антлерс", "Гамба Осака" (Япония) ва ўтган йилги чемпион Япониянинг яна бир жамоаси "Урава Ред Даймондс"лар чорак финалда ўзаро беллашди. Сўнгги савқизини чорак финалчи номи Хитойнинг "Чангчунг Ятай" ва Австралиянинг "Аделаида Юнайтед" жамоалари ўртасидаги учрашувдан сўнг маълум бўлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ВЕРСАЛЬ МИР обоев Edimann Российский линолеум Тел. 234-48-11 Факс 234-49-58 Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманининг «ИЛ-АСР» ўқув-илмий маслаҳат маркази МЧЖ (ОКПО коди 17988151) тугатилади. Давоалар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомидида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Чилонзор тумани, «Ўзбекистон» кўчаси, 49-уй. Тел.: 155-83-01, 133-46-76.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 27 май, сешанба кунни чиқади.

Успех-дело техники! FUJITSU COMPUTERS SIEMENS NURON Всемировая гарантия 3 года Серверы и компьютеры для решения любых задач Производительность Сделано в Германии Товар сертифицирован

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тўқимачилик саноати технология машиналари ва жиҳозлар кафедраси доценти Абдуҳақ Исмоилов ва Ҳарбий кафедра бошлиғи, подполковник Алишер Исмоиловга падали бузруквори

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Ахборот технологиялари кафедраси доценти Гулнора Юлчиевага онаси

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ қасаба уюшма қўмитаси Капитал қурилиш дирекция бошлиғи ўринбосари Мухаммадали Умаровга падали бузруквори

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Т — 456. 36374 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6 7

АХМАДАЛИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.